O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 30 август, шанба • №70-71 (11.561-62) • Эркин нархда сотилади

## Мустақиллик байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

*29 август куни Тошкентда иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси бошланди.*

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи – Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида молия вазири М. Нурмуродов ҳисобот берди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов қўшимча маъруза қилди.

Ушбу масала муҳокамасида Бўзатов тумани ҳокими А. Жуманов, "Андижонгўштсутсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П. Мамаков, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош шифокори М. Мамажонов қатнашди.

Муҳокама этилган масала юзасидан Ўзбекистон Респуб-

(Давоми 2-бетда).




# МУКОФОТ МУБОРАК!

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақида»ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт ҳамда савдо хизмати кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент вилоятидан қуйидагилар бор:*

***«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»***

**Исломов Омонулла Шариатович** – Ўртачирчиқ туманидаги «Тўйтепа металл қурилмалари» акциядорлик жамияти раиси, Тошкент вилояти

***«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»***

**Калимулин Ғиёс Ҳабибуллаевич** – Бўка автомобиль йўллари бошқармасининг автогрейдерчиси, Тошкент вилояти

***«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан***

**Ҳамидова Шарифа** – Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

***«Меҳнат шуҳрати» ордени билан***

**Унарбоев Номозвой** – «Кўмир» акциядорлик

(Давоми 2-бетда).

## Шу сонга

### ЎЙИНГОҲГА МАРҲАМАТ

*Ўртачирчиқ туманидаги Олим Аширов номли марказий ўйингоҳ мустақиллик байрами арафасида қайта таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун 30 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.*

Кеча ушбу ўйингоҳнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кечада халқимизнинг севимли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис депутати Ўткир Ҳошимов иштирок этиб, туман аҳолисини Мустақиллик байрами билан астойдил қутлади.

Тадбир сўнгида вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун 3 миллион сўмлик спорт анжомлари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

*Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.*

### ҚИБРАЙНИНГ ЯНГИ ГУЗАРЛАРИ

*Байрам арафасида Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоғида маҳалла гузари иш бошлади.*

Ушбу гузар таркибида маҳалла қўмитасининг биноси, халқ банки филиали, сартарошлик, этикдўзлик ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси мавжуд.

Янгиобод қишлоғининг «Тўқай-тепа» маҳалласида фойдаланиш учун топширилган гузарда эса, бозор, савдо дўконлари, турли хил маиший хизмат кўрсатиш манзиллари истеъмолчилар талабини қондиряпти. «Обод маҳалла» деб юритилувчи гузар Ўнқўрғон қишлоғида бунёд этилди. Катта саҳнли ушбу гузар бир кунда 200 га яқин ҳамқишлоқларга хизмат кўрсатади.

*Хуршида НАЗАРОВА.*

# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида

# АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ликаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари қонунчилик ҳокимияти вакиллари бўлган депутатлар мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг биринчи ярим йилликдаги ижросини холис муҳокама этиши, бюджетнинг иккинчи ярим йилликдаги ижросида ҳисобга олиш керак бўлган аниқ танқидий фикрларни билдириши лозимлигини таъкидлади.

Маъруза муҳокамасини Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги 13-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори Э. Донаев, Гулистон шаҳридаги 4-мактаб директори Г. Латипова, "Халқ сўзи" газетасининг фотомухбири Т. Ҳамроқулов давом эттирди.

Молия вазири М.Нурмуродов берилган саволларга жавоб қайтаргач, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов миллий валютани мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик истиқболларининг моҳиятини тушунтириб берди. Депутатлар давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" (янги таҳрири) ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар лойиҳаларини Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокамасида Наманган шаҳри ҳокими М.Тожибоев, Когон ёғ-экстракция заводи қурилиш дирекцияси директори М.Зайниев, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Миллий Олимпия қўмитаси президенти А.Носиров, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш институти Фарғона бўлими илмий ходими М.Раҳматов иштирок этди. Парламент янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунни маъқуллади ва уни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси юзасидан "Фидокорлар" миллий демократик партияси Марказий Кенгаши котиби, "Фидокор" газетаси бош муҳаррир ўринбосари А.Болиев, Косонсой тумани ҳокими У.Маматов, Хўжайли тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги раиси Х.Шерибоев ўз фикрини билдирди. Депутатлар "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги Қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини ҳам депутатлар муҳокамасига ҳавола этди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамасида Булунгур тумани ҳокими Х.Боймуродов, Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси, Хоразм вилояти Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Тахтакўпир тумани "Тахтакўпир" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Адилов, Ангор тумани ҳокими Т.Ҳамроев иштирок этди. Депутатлар муҳокама этилган қонунни қабул қилиш учун овоз берди.

Сессияда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов, "Бухородонмаҳсулот" ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров, "Ўзбекистон матбуоти" журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедов, Қарши шаҳри ҳокими И.Асадов ўз фикрларини билдирди. Депутатлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бўйича маърузасидан бошланди. Урганч давлат университети ректори А.Саъдуллаев, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси — бош директори В.Кучеров, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари И.Фофуров, Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, "Қизилқумнодирметаллолтин" давлат концерни раиси Н.Кучерский иштирок этган муҳокамадан сўнг, парламент мазкур қонун ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева "Фидокорона хизматлари учун" орденини таъсис этиш тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги раиси А.Орипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломованинг чиқишидан сўнг, депутатлар "Фидокорона хизматлари учун" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Й.Жўраев "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бўйича маъруза қилди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, Ромитан тумани ҳокими А.Нозимов, Қамаши тумани марказий шифохонасининг бош шифокори А.Ғафуров, "Ўзбекинвест" миллий компаниясининг Фарғона вилояти шўъба корхонаси директори А.Мўминов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги 2-мактаб директори Ж.Исроилов иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев "Хусусий корхона тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Бу лойиҳа бўйича "Совпластитал" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов, Томди тумани ҳокими А.Назаров, Шаҳрихон шаҳридаги "Ривож" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, "Ўзкимёсаноатлойиҳа" лойиҳа-технология институти бош директори Ҳ.Назаров, "Лола-Узор" кўп тармоқли хусусий фирмаси директори Х.Мирзаахмедов, "Бухоротурист" акционерлик жамияти раиси М.Зокиров сўзга чиқди. Депутатлар "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 30 август куни ўз ишини давом эттиради.

# МУКОФОТ МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-бетда).

бирлашмаси «Ангрен» кўмир конининг экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

**Топилова Ҳакима Муродовна** – Пскент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг механизатори, Тошкент вилояти

**Ходжиев Мавлянходжа Эргашович** – Паркент туманидаги «Бахт» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

***«Дўстлик» ордени билан***

**Айтбаев Алимбек** – Юқоричирчиқ туманидаги А.Яссавий номли ширкат хўжалигининг энтомологи, Тошкент вилояти

**Алимбеков Абилқосим** – Зангиота туманидаги «Дамачи» акциядорлик жамиятининг балиқчиси, Тошкент вилояти

**Васильева Александра Сергеевна** – Чиноз туманидаги «Йўлиндустрия» ишлаб чиқариш корхонасининг кран машинисти, Тошкент вилояти

**Утюж Вадим Васильевич** – Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатининг цех бошлиғи, Тошкент вилояти

**Шайбазян Гурген Балинович** – «Агрокоммунқурилиштаъмирлаш» ишлаб чиқариш концерни қошидаги «Пардоз» ишлаб чиқариш фирмасининг иш юритувчиси, Тошкент вилояти

**Юсупов Абдуғани** – Янгийўл туманидаги «Ниёзбоши» ширкат хўжалиги раиси, Тошкент вилояти

***«Шуҳрат» медали билан***

**Абсаматов Ўсканбай** – Қуйичирчиқ туманидаги «Тошовул» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

**Боймирзаев Асадулла Мусурмонкулович** – Ўртачирчиқ туманидаги А.Икромов номли ширкат хўжалигининг сувчиси, Тошкент вилояти

**Бобожонова Дилбар Раҳимовна** – Олмалиқ шаҳридаги «Поёндоз» қўшма корхонасининг гилам тўқувчиси, Тошкент вилояти

**Деҳқонбоев Мирзатулла Имомқуловnatural** – Бўстонлиқ туманидаги «Чимёнқурилиш» механизациялашган кўчма бошқармаси бошлиғи, Тошкент вилояти

**Жўраева Масудахон** – «Тошкент-телеком» акциядорлик жамияти Тўйтепа филиалининг алоқачиси, Тошкент вилояти

**Қодирова Фарида** – «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятининг лаборатория бошлиғи, Тошкент вилояти

**Мирзаев Муҳиддин Нуриддинович** – «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятининг цех бошлиғи, Тошкент вилояти

**Муҳиддинов Файзиддин Абдувахобович** – Қибрай туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

**Пўлатова Гулбаҳор Бурбаевна** – Янгийўл шаҳридаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятининг прессловчиси, Тошкент вилояти

**Раҳматиллаева Пати Ҳамидуллаевна** – «Чирчиқкишмаш» ҳиссадорлик жамиятининг пармаловчиси, Тошкент вилояти

**Рўзибоев Эргаш** – «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бекобод тумани бўлими раиси, Тошкент вилояти

**Саъдиев Шуҳрат Иноятович** – «Асака банк» Тошкент вилоят филиалининг бошқарувчиси

**Тен Афанасий** – «Ўртачирчиқ гидроэлектр станциялар каскади» шўъба корхонасининг цех бошлиғи ўринбосари, Тошкент вилояти

**Тўхтаниёзов Мухтор** – Тошкент туманидаги «Тўхтаниёзота» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Ҳошимов Мирза Азимович** – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти саноат темир йўл транспорти бошқармасининг чилангар-таъмирловчиси, Тошкент вилояти

**Шукуров Закрилло Бобохонович** – «Бекободйўлсаноат» ишлаб чиқариш корхонасининг газэлектр пайвандчиси, Тошкент вилояти

**Йўлдошев Жўрабек Ашуралиевич** – Оҳангарон туманидаги «Оҳангарон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

**Ғанибоева Гулчеҳра Нурматовна** – Паркент туманидаги «Гулбоғ» ширкат хўжалигининг сут соғувчиси, Тошкент вилояти.

* * *

*Юртбошимиз Ислом Каримовнинг 2003 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан мукофотланган ҳамюртларимиз орасидаги Тошкент вилояти вакиллари:*

***«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»***

**Кистаубаев Сервер Эсеркепович** – Тошкент вилояти Янгийўл тумани ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмасининг экипаж командири

***II даражали «Шон-шараф» ордени билан***

**Адилов Мирсамад** – Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

***«Жасорат» медали билан***

**Джумаев Нодиржон Махмудович** – Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Исмаилов Шухрат** – Тошкент вилояти божхона бошқармаси постининг кичик инспектор-кинологи

**Мирзаев Мирағзам Ахатович** – Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

**Саримсаков Махмуджон Тухтасинович** – Чирчиқ олий танкчилар қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг катта ўқитувчиси.

# МУНОСИБ МЕҲНАТЛАРИ УЧУН

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарорига асосан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга қўшаётган ҳиссалари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнатлари, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги фаолликлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан қуйидагилар Тошкент вилояти ҳокимининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирландилар.*

**Абдиров Аввалбек Жадибекович** — Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси

**Абдуазимов Акмалхўжа Ғаффорович** — «Тошвилоятгазтаъминот» шўъба корхонаси етакчи муҳандиси

**Абдураҳмонова Саида Ҳамидуллаевна** — «Тошвилбозорсавдо» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси мутахассиси

**Абдусатторова Роза Тожимуҳаммедовна** — Тошкент вилояти молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Абитов Исматиллахўжа** — Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» пахта тозалаш корхонаси трактор ҳайдовчиси

**Азимова Зоя Жалиловна** — «Янгийўл китоб фабрикаси» ижара корхонаси ҳарф терувчиси

**Асомова Рихси Ҳусановна** — Бўстонлиқ туманидаги «Ғазалкент ойна заводи» ҳиссадорлик жамияти ишчиси

**Аҳмедов Толҳин Эркинович** — Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги механизатори

**Аҳмедов Шуҳрат** — Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси

**Баратова Дилдор Нарзуллаевна** — Бекобод шаҳридаги «Оби ҳаёт» хусусий корхонаси директори

**Бобоев Усен Ризаевич** — Оққўрғон туманидаги Султон Сегизбоев номли ширкат хўжалиги комбайнчиси

**Ғаффоров Алишер Ғаффорович** — Юқоричирчиқ тумани ҳокими

**Ғафуров Абдували Рашидович** — Пскент тумани ҳокими

**Грингауз Виктор Михайлович** — «Тошвилтранс» ҳудудий уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари

**Деҳқонов Жумабой** — Пскент тумани Навоий номли ширкат хўжалигидаги «Деҳқонов Хайрулла» фермер хўжалиги ишчиси

**Еремеев Анатолий Михайлович** — Юқоричирчиқ тумани автомобиль йўллари бошқармаси бош муҳандиси

**Жалилов Ўктамжон Ғаниевич** — «Тошкент почтаси» акциядорлик жамияти Зафар филиали хат ташувчиси

**Желяков Юрий Николаевич** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси электрда пўлат эритиш цехи устаси

**Задорожная Светлана Михайловна** — Ангрен шаҳридаги Янгиобод реабилитация шифохонаси фельдшер-лаборанти

**Зокиров Февзи Анварович** — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси участка бошлиғи

**Зуфархўжаев Азизхўжа Саидазимхўжаевич** — Тошкент вилояти ихтисослашган «Автомагистраль» автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси бош механиги

**Ильичев Виктор Андреевич** — «Тошкентгуруч» очиқ акциядорлик жамияти метролог-муҳандиси

**Исроилов Аълам Олимович** — Бўстонлиқ тумани босмахонаси устаси

**Кадабоев Бахтиёр Мусахонович** — Оҳангарон шаҳар «Магнит» комбинати директори

**Қодиралиев Турғун** — «Оҳангаронцемент» очиқ ҳиссадорлик жамияти тоғ цехи экскаватор машинисти

**Камолов Шахобиддин** — Чиноз тумани автомобиль йўллари бошқармаси трактор ҳайдовчиси

**Каримова Тамара Михромовна** — Чирчиқ шаҳридаги «КИБО болалар пойабзали» ўзбек-герман қўшма корхонаси тикувчиси

**Қаюмов Искандар Шавкатович** — «Янги-Ангрен иссиқлик электр станцияси» шўъба корхонаси электр цехи бошлиғининг ўринбосари

**Кульбацкий Иван Степанович** — Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

**Мадалиева Холида Тошкенбоевна** — Паркент туманидаги «Қорақалпоқ» ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси

**Мадаминова Турсуной Ғанибоевна** — Янгийўл тумани пилла тайёрлаш корхонаси бош ҳосилоти

**Маҳамадов Жўрабой** — Тошкент туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги раҳбари

**Мирзақулов Эркин Йўлдошевич** — «Тошкент ўрмон хўжалиги» Янгийўл ўрмон бўлими ўрмончиси

**Мозгунов Сергей Викторович** — Тошкент вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бирлашмаси чилангари

**Носирматов Собиржон Сотиболдиевич** — Тошкент вилоят «Бурчмулло» ўрмон хўжалиги катта нозири

**Низомов Ҳайдар Усмонович** — Янгийўл шаҳридаги 2503-автокорхона ҳайдовчиси

**Низомова Маҳбуба** — Чиноз туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси

**Обидов Эркин Раҳматович** — «Тошвилавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси

**Орифжонова Муҳаббат Хакимжоновна** — Тошкент вилояти ҳокимлиги етакчи мутахассиси

**Фармонов Абдузоир Тўйчиевич** — «Оҳангарон дон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти аппаратчиси

**Фозилов Искандар** — Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси

**Раҳматиллаева Ойша** — Зангиота туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги боғбони

**Содиқова Мавар** — Оҳангарон тумани Янги ҳаёт қишлоқ врачлик пункти мудири

**Саймусаева Муҳаббат Рўзибоевна** — Ўртачирчиқ туманидаги «Ўртасарой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

**Содиқова Моҳира Юсуповна** — Зангиота тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги сут соғувчиси

**Суттибоев Сафарали Қолдибоевич** — Бўка туманидаги «Бўка» ширкат хўжалиги пудратчиси

**Тожибоев Азимбой Нурмонович** — «Паркентсувқурилиш» трестига қарашли 5-механизациялашган кўчма колонна бульдозерчиси

**Тошхўжаев Саидхўжа Шарифхўжаевич** — Қибрай тумани ҳокими

**Турсунхонов Алихон** — Қуйичирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги механиги

**Ўсаров Исмоил** — «Чирчиқшаҳарсавдо» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Файзуллаева Шоҳиста Муртазоевна** — Тошкент вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Ҳидирова Шаодат** — Бўка туманидаги «Хўжақўрғон» ширкат хўжалиги пудратчиси

**Хусанов Омонулла Абдуфаттоҳович** — Қибрай туманидаги Тошкент электр станцияси чилангари

**Цой Георгий Анатольевич** — Янгийўл туманидаги «Юксалиш» фермер хўжалиги раҳбари

**Чамкаев Иван Григорьевич** — Ўзбекистон Республикаси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти «Қалмоққир» кон бошқармаси марказий қатлами экскаватор машинисти

**Чекунова Валентина Васильевна** — Қуйичирчиқ тумани «Дўстобод тажриба-механика корхонаси» ҳиссадорлик жамияти ходимлар бўлими нозири

**Шоназаров Турсунбой Очилович** — Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати» ҳиссадорлик жамияти 1-металлургия цехи электр монтери

**Шоумаров Шодмон** — «Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг Ўртачирчиқ туман электр тармоғи устаси

**Эралиев Неъмат Эргашевич** — Ангрен автобус-такси саройи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси

**Эшонқулов Раимберди Зокирович** — Оҳангарон туманидаги «Эйвалекмахсустемирбетон» ҳиссадорлик жамияти дурадгори

**Йўлдошхўжаева Марҳамат Мингбоевна** — ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Олмалиқ шаҳар таянч пункти директори

**Яминова Дилором Иброҳимовна** — Тошкент вилояти «Машина-трактор парклари» бирлашмаси бўлим бошлиғи.

Шу сонга

## НОНУШТА ЦЕХЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

*Янги ўқув йилида ўқувчиларнинг билим олиши билан биргаликда уларнинг нонушта ва иссиқ овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлаш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади.*

Бу ишга вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси ходимлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Жумладан, байрам арафасида мактабларни пазандалик ва қандолат маҳсулотлари билан марказлашган усулда таъминловчи 9 та нонушта цехлари таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, халқ таълими бошқармалари билан биргаликда 375 та мактаб ошхоналари ҳам тахт қилиб қўйилди. Бўстонлиқ, Янгийўл туманларида янги нонушта цехлари ташкил этиш ишлари давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**





*Юқоричирчиқ туманида Туркиядан келтирилган замонавий технологиялар асосида «Жонпласс» Ўзбек — Турк қўшма корхонаси йил бошида ишга туширилган эди. Корхона ишчилари уч хил турда — совуқ, иссиқ сув ҳамда канализация тармоқларида фойдаланиладиган қувурлар ишлаб чиқармоқда. Янги технологиянинг битта линиясида соатига 10 километр узунликда маҳсулот тайёрланяпти.*

*Ўтган ярим йилликда корхона 20 миллион сўмлик маҳсулот сотди. Ушбу қувурлар узоқ йилга чидамлилиги билан харидорларни жалб қилмоқда. Жумладан, Бухоро, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳамда Денов қурилиш ташкилотлари буюртмаси тўлиқ бажарилди. Уфа шаҳри билан эса 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қувурлар учун шартнома тузилган. Келгусида Россия, Қозоғистон давлатларига маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилмоқда.*

***СУРАТЛАРДА:** оператор Шуҳрат Ҳакимов (юқорида), қўшма корхона бош директори ўринбосари Шарофиддин Шопўлатов ҳамда Николай Ҳамлар (пастда) иш жараёнини кўздан кечирмоқдалар.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***



Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

# «БУ БАХТНИ ИСТИҚЛОЛ БЕРДИ»

## дейди «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат эритиш цехининг оператори, Ўзбекистон Қаҳрамоии Абдураҳмон Абдураззоқов

Бекободда металлургларнинг сулолалари кўп. Лекин, Абдураззоқовлар сулоласининг Ўзбекистон металлургия саноатининг бу улкан корхонаси барпо этилиши, оёққа туриб, ривожланишидаги ўрни ўзига хос. Унга олтмиш йиллар илгари Новнинг чекка бир қишлоғидан Бекободга, металл заводи қурилишига отланган Абдураззоқ ота асос солган.

— Оғир уруш йиллари завод ишга тушгач, бувамиз юкчи бўлиб ишлай бошлаганлар. Отамиз вояга етгач, металл эритиш печларига шихта босувчи касбини эгаллаганлар. Бизга ҳам доим айтадиган гаплари битта эди: «Болаларим, касбимни эгалланглар, асло кам бўлмайсиз». Барча фарзандлар отамизнинг шу бир гапларини икки қилмадик. Мен 1969 йили мактабни битириб, заводга ишга келдим. Ёшим етмагани учун бирмунча муддат қурилиш бригадасида ишлаб юрдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, кейинги йили 6 августда — 18 га тўлган куним мартен цехида пўлат қуювчи бўлиб меҳнат қила бошладим...

Ўша олис йилларни эслаб, Абдураҳмон бир зум жимгина туриб қолди. Унга тикиламиз: бугун сурати мамлакат газеталарини, «зангори экран»ларни тўлдириб турган таниқли, довруғли металлург оддийгина бир киши. Ҳали, соя-салқин йўлакдан комбинат дарвозасига яқинлашиб келаётганимизда, у қандайдир истиҳола билан:

— Ҳеч кўника олмаяпман, — деди. — Кеча дафъатан бош директор йўқлатиб қолди. Кабинетига киришим билан Александр Қосимович бағрига босди-ю, қувона-қувона: «Фармон чиқди, табриклайман!», — деди. Бутун вужудимда хушҳол бир титроқ билан бўшашиб, лом-лим дея олмай, туриб қолдим, — у бир фурсат жим одимлаб борди-да, соддалик билан қўшиб қўйди. — Менга белкуракми, лўмми беришса-да, ишга қўйишса...

Мана ҳозир ҳам у бошқарув пульти ёнида, кенг ойна орқали пишқириб олов пуркаётган печлардан кўз узмай турибди. Умри шу электрда пўлат эритиш печлари ёнида ўтаяпти. Ўзини шу ерда, иш жойида хотиржам, эмин-эркин ҳис қилади. Негаки, металлар ҳам тоб беролмайдиган, минг-минг даража иссиқликда пўлат эшилиб, суюқ бир оқимда қолипларга қуйилувчи бу жараёнга бутун борлиғи билан сингиб кетган. Фақат угина эмас, бутун оила аъзолари шу зайлда улғайди.

Абдураҳмон билан изма-из вояга етган укалари Мирзамурод, Анваржон, Тоҳиржон ҳам пўлат қуювчи бўлиб иш бошлашди. Усмонжон 2-пўлат қуйиш цехида автомат-пайвандлаш ускунасини бошқарди. Хонадоннинг кенжаси Ўктамжоннинг касбкори ҳақида гап қўзғалса, бутун оила аҳлининг чеҳрасида илиқ бир табассум жилва қилишини пайқадик. Бу ҳолатни уй соҳибаси Муборак ая ҳазил аралаш шундай изоҳладилар:

— Ахир, шунча темирчига битта боқувчи ҳам керак-ку. Кенжагинам — шоликор. Шу яқиндаги «Шоликор» хўжалигида ишлайди, қоп-қоп гуруч етиштириб келади.

Абдураҳмон билан ёнма-ён электрда пўлат эритиш ускуналарини кузатганимизда, Муборак аянинг яна бир гапини хаёлимизга келтирдик:

— Ўзим ҳам, қизларим ҳам шу металл заводида ишладик. Қизим Ҳабиба менга эргашиб, эмал, Собира бўлса, шиша идишлар цехларида меҳнат қилишди. Ҳатто, мана шу келиним Ҳидоятхон ҳам заводда, тиббий қисмда ҳамшира.

— Бутун хонадонимиз билан шу корхонага боғланиб қолганмиз, — Абдураҳмон хаёлларимизни илғагандек, олов нафасли печлардан кўз узди, ялт этиб қаради. — Бувамиз қурган, отамиз меҳнат қилиб ўтган жойлар ака-ука, опа-сингиллар учун азиз, қадрдон. Бизни бу корхонага боғлаб қўйган меҳригиё шу.

— Келин бўлиб тушганимда, Абдураҳмон акамлар мартен цехида ишлардилар, — деди бироз кейинроқ Ҳидоят Абдураззоқова. — Ўттиз йил бирга яшаб, бирга ишлаб келяпмиз. Эҳ-ҳе, нималарни кўрмас экан бу бош. Кимлар ўзини қаёққа урмади. Танглик кезлари кўплар бозорларда ётиб олди, тижоратга урди ўзини. Биз тишимизни тишимизга қўйдик. Заводдан ажралмадик. Фақат иш, смена деб ўтдик. Меҳнат қилса, асло кам бўлмас экан, киши. Абдураҳмон акамларнинг ҳаётлари бунга бир мисол. Меҳнатингни давлат ҳам билар экан. Ҳақиқат, адолат устунлиги шуда, ахир! Кеча телевизорда Президентимиз Фармонларини ўқишганида оламга сиғмай кетдим.

— Абдураҳмонни сиздан ортиқ билган, синаган, ўрганган киши бўлмас. Унинг қандай фазилатлари сиз учун қадрли?

Ҳидоят очиқ чеҳрали аёл экан. Саволимизни эшитиб туриб, тим қора қошлари ёйилди.

— Биринчи фазилатлари — одам ови эмаслар, киришимлилар, ҳамиша одамлар билан овунадилар. Маҳалламизда тўйими, маъраками, бу кишисиз ўтмайди. Ҳатто, келин қилишса, оқ солишга олиб кетишади. Назаримда, Бекободда бу кишини ҳамма танийди. Иккинчи фазилатлари — ичмайдилар. Беш фарзандни оёққа турғизяптилар. Мана, ўттиз йил яшабмиз-у, оиламиздан чурқ этган товуш чиқмади. Яна бир яхши одатлари — бу кишида ёлғон-яшиқ гап бўлмайди. Болаларни ҳам шунга одатлантирганлар. «Ҳалол яшанг, ҳалол луқма яхши сингади. Меҳнатнинг нонидек ширин неъмат бу оламда йўқ», — деб юрадилар. Аччиқ бўлса ҳам рост гапни қадрлайдилар.

Абдураззоқовлар сулоласи металлургия комбинати билан тенгма-тенг қаддини ростлаб борди. Абдураҳмон мартенда иш бошлаган кезлари донгдор пўлат қуювчилар Ҳафиз Ғаниев, Саид Нуриддинов, Асад Эргашевларнинг гапларини кўп эшитган. Олим Мирзаев, Анвар Тошпўлатовлар билан ёнма-ён меҳнат қилган. Уларнинг ишга муносабати, ўзаро муомаласи яхши бир мактаб бўлди. Мамлакат мустақил ривожланиш йўлига ўтгач, Бекобод металлургия комбинати ўз эҳтиёжларимиз учун янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўта бошлади. Илгариги ўзаро алоқалар узилган танг бир ҳолатда бу осон эмасди.

— Мустақилликнинг дастлабки йиллари металл қувурларни ўзимизда ишлаб чиқаришга ўтдик, — эслайди Абдураҳмон Абдураззоқов. — Икки йил ўтиб-ўтмай 1-навли прокат цехида золдир қўйиш ускунасини барпо этиш бошланди. Бу янги қувват ҳам бир йилда битказилиб, дастлабки маҳсулотини берди. Бора-бора металлургия печларини созлаш цехи ташкил этилди, метиз, пайвандлаш учун хомашё ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Печдан ташқарида пўлатга ишлов бериш ускунаси ишга туширилди. Кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайди...

Абдураҳмон пиёладаги чойдан бир ҳўплаб қўйди:

— Кеча бош директоримиз мени Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилганлиги билан қутлаётганида, бутун вужудимни ёқимли бир ҳаяжон қамраб олганича мустақиллик йилларидаги залворли одимларимизни бирбир кўз олдимдан ўтказдим. Сўнгги ўн икки йил осон кечди, деган одам хато қилади. Мамлакатга ҳам, сизу бизга ҳам енгил бўлмади. Лекин, ҳамма қийинчиликларни меҳнат билан, сабот билан енгаяпмиз. Бу шунчаки бир гап эмас. Бу айни ҳақиқатдир.

Электрда пўлат эритиш мажмуасининг технологияни бошқарув хонасидан чиқиб, темир зиналардан пастроқ тушаётганимизда узлуксиз пўлат қуйиш қурилмасининг бошлиғи Баҳодир Юсупов билан суҳбатлашиб қолдик. У Абдураҳмон Абдураззоқовнинг меҳнатга, ишга, ҳамкасбларига муносабати ҳақида тўлқинланиб гапирди:

— Ҳаммамиз Абдураҳмон акага ҳавас қиламиз. Ҳар бир вазифани сидқидилдан бажаради. Маҳорати ўзгача. Унга бир иш топширилса, орқасидан текшириш, сўраб-суриштиришга ҳожат йўқ. Иш сифати учун ҳамиша кўнглимиз тўқ бўлади.

Биринчи узлуксиз пўлат қуйиш қурилмасининг оператори Евгений Белов ҳам шу фикрда: «Абдураззоқов — ниҳоятда ишончли ҳамкасбимиз», — деди у.

Шу кунларда Бекободнинг Собир Раҳимов номли маҳалласида қўш тўй — ҳам Мустақиллик байрами нишонланмоқда, ҳам металлург Абдураҳмон Абдураззоқов мамлакатнинг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилгани билан шарафланмоқда. Абдураҳмон қутлов, табрик сўзларини ўзига хос соддадиллик билан қабул қилаётганлигини кўриб, Ҳидоятой яқинлашиб келди:

— Дадаси, бу унвон фақат ўзингизга, ишингизга эмас, хонадонимизга, заводга, бутун Бекобод шаҳримизга берилган, ҳаммамизнинг мустақилликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаларимиз эътирофи деб ҳам айтингда, ахир!

Суҳбатдошлар уй бекасининг бу китобий гапларини эшитиб туриб, жим бўлиб қолишди. Ҳидоятой эса ўз ҳазилини давом эттирди:

— Қарасам, нуқул «ишладим», «меҳнат қилдим» деяпсиз. Ёнингизда биз бўлмасак, бутун завод елкадош бўлмаса, бутун Бекобод ҳамқадаму ҳамнафас бўлмаса, нетардингиз? Шундан гапиринг-да, ахир!

Даврадагилар ҳазилни тушуниб қолиб, хандон ташлаб юборишди. Кулгилар тўхтагач, Ҳидоятой яна қўшиб қўйди:

— Лекин, пўлат ҳам ўзини таниганларга эшилади, тобланишда бўй беради. Бу ўринда сиз — сизсиз.

Даврада яна шодон кулги кўтарилди.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

# ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ

*Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Тошкент» телеканали мустақиллигимизнинг ўн икки йиллигига бағишлаб тайёрлаган «Озод ва обод юрт» кўрсатувини икки ой давомида эфирга бериб борди.*

Ушбу кўрсатув вилоятимиз меҳнаткашларининг ўн икки йил давомида турли соҳаларда эришган ютуқларини ўзида акс эттирган бўлиб, унда замонамиз қаҳрамонлари, мустақилликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб улушини қўшаётган кишилар ҳақида ҳикоя қилинади.

— Қарийб икки ой мобайнида Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида тасвирга олиш ишларини давом эттирдик, — деди кўрсатув муаллифи Гулчеҳра Раззоқова. — Шу вақтда вилоятда эришилаётган ютуқлар, шаҳар ва туманларнинг бир-бирига ўхшамаган жиҳатларини кашф этдик. Юқоричирчиқ туманидаги қишлоқ хўжалик соҳасидаги муваффақиятлар, фермер ва пудратчиларнинг меҳнатлари, Бекобод туманида олиб борилаётган қурилиш ишлари, Зангиота туманидаги хусусий ишлаб чиқариш корхоналари ва спортни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, айниқса, бизни мамнун этди.

— Кўрсатувда имкон қадар барча соҳаларни қамраб олишга, эришилаётган ютуқларни тўлиқ тасвирга туширишга ҳаракат қилдик, — гапга қўшилди режиссёр Фазлиддин Миробидов. — Айниқса, вилоят шаҳарларидаги саноат корхоналарининг қад ростлаётгани, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги илдам қадамлардан хурсанд бўлдик.

31 август куни мазкур кўрсатувнинг терма умумлашмаси телетомошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

2003 йил — Обод маҳалла йили

# МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ — МЕНИНГ УЙИМ!

*Мустақилликка эришганимиздан сўнг, мамлакатимизни гуллаб-яшнатиш мақсадида ўз-ўзини бошқаришнинг энг қуйи бўғини — маҳаллаларнинг фаолиятига алоҳида эътибор билан қарала бошланди.*

Шуни таъкидлаш керакки, дастлабки кезларданоқ ҳар бир йилимизга ўзига хос ном берилиб, жамият тараққиёти, инсон манфаатларига хизмат қиладиган муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 2003 йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан «Обод маҳалла йили» деб номланиши ҳам келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг тобора равнақ топиши учун мустаҳкам пойдевор қуришимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу тариқа қадим аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимиз, анъаналар ҳамда меҳр-оқибат туйғулари янги мазмун билан намоён бўла бошлади.

Кейинги йилларда маҳаллаларга кенг ваколатлар, ҳуқуқ ва эркинликлар берилябти. Ҳар бир маҳалла оқсоқоли ҳудуддаги мавжуд имкониятлар, шарт-шароитлардан келиб чиқиб, мақсад ва вазифаларни тўлақонли рўёбга чиқаришда фаол саъй-ҳаракат кўрсатмоқда. Кекса, катта ҳаёт тажрибасига эга кишилар кўпгина ибратли ишларга бошқош бўлишмоқда. Бунда аҳолининг ўзаро жипслашуви, сидқидилдан ёндошуви алоҳида ўрин тутди.

«Обод маҳалла йили» давлат Дастури асосида маҳалламизда бир мунча ишларни йўлга қўя олдик. Аҳоли турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар тарбияси, тинчлик-осойишталикни сақлаш, янги жамият кишилари онг-шуурида соғлом турмуш тарзи туйғуларини шакллантиришга қаратилган суҳбатлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Маҳалла фаоллари ташаббуси билан 350 хонадонга газ қувурлари тортиб келинди. Ҳусан Абдуллаев номли ҳамда «Наврўз» 4-берк кўчалари асфальтланди. Ободонлаштириш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Бу йил кўчаларимиз бўйларига ўн минг туп гул кўчати, 400 туп мевали дарахтлар экилиб, парвариш қилинмоқда. Ёш спортчиларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдамиз. Гулнора Носирова раҳбарлигидаги хусусий нотариал идораси уларни спорт кийимлари билан таъминлади. Барча оммавий тадбирларимиз ҳудудимиздаги тадбиркорлар кўмагида ўтмоқда.

Оилалар тотувлигини сақлаш, ёш келин-куёвларни ҳаётга тўғри йўналтиришда хотин-қизлар қўмитасининг раиси Насиба Одилова, тарбиячи-педагог Арофат Исроиловалар режали ишлаётирлар. Миллий қадриятларимизни тиклаш, ортиқча харажатларга, исрофгарчиликларга берилмасдан, тўйларимизни ихчам, файзли, тинч ўтишига Қосим Абдуллаев, Ҳабибулла Абдуллаев, Нажим Азимов, Жўли Ҳақбердиев, Эшим Тошпўлатов каби фаолларимиз муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

***Марҳамат МУТАЛОВА,***
***Зангиота туманидаги Ўзгариш қишлоғининг Ҳусан Абдуллаев номли маҳалла қўмитаси раиси.***

Эҳтиром



# ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

*Юртбошимизнинг нуроний отахонлару онахонлар, ёлғиз кексалар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларига бўлган иззат-ҳурматлари, беқиёс ғамхўрликлари диққатга сазовор. Бундай ғамхўрлик ва эътибор биз кексалар қалбига куч-қувват бағишламоқда.*

Кексалик — инсон умрининг сокинлик, файзли-тароватли даври. Бу босқичда инсон катта ҳаётий тажрибага, теран ақлга эга бўлади. Қарияларимизни бебаҳо билган халқимиз: «Қариси бор уйнинг париси бор», — деб бежиз айтмайди. Ҳамиша уларнинг кўмагига, маслаҳатига таянамиз. Фахрийларимиз ҳақида сўз борганида пиру бадавлат отахону онахонларимиз кўз ўнгимиздан ўтади. Улар шижоат ва ташаббускорликда ёшларимиздан қолишишмайди. Ана шундай ғайратли, ўти бор инсонларнинг садақаси кетсанг арзийди: Улар туман аҳли билан бир тан, бир жон бўлиб, қишлоқларимиз йўлларини, хиёбону майдонларни кўкаламзорлаштириб ободонлаштираяптилар. Ҳали кексаликни тан олмаган бундай замондошларимиз бошқа соҳаларда ҳам ўзларининг фидойиликларини намоён этмоқдалар.

Тумандаги ҳар бир маҳалла, қишлоқларимиз, жамғарма қошидаги «Бўзсув» чойхонасида бир пиёла чой устида дийдор учрашувлари ўтказилмоқда. Бу биз учун доимий анъана бўлиб қолди. Шу байрам арафасида ҳам 126 нафар ёлғиз, бетоб нуронийларимизга корхона ва ташкилотлар ўз мурувватларини аямаётирлар. Жумладан, туман ҳокимлиги, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари томонидан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар, Афғонистонда қатнашган байналмилалчилар, кам таъминланган, ёлғиз қарияларга ҳамиша эҳтиром кўрсатиб келинмоқда.

Қалбларимизни ифтихорга, қувончга тўлдирган шодиёна кунларда юз ёшдан ошган 11 нафар пиру бадавлат отахону онахонларимизнинг хонадонларига ҳокимлик вакиллари билан биргаликда ташриф буюриб, ҳолларидан хабар олмоқдамиз.

***Абдувоҳид ШУКУРОВ,***
***«Нуроний» жамғармаси Қибрай тумани кенгашининг раиси.***

# ОЙНАДА ҲАЁТ АКСИ

*Юртдошларимиз мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш учун гўё катта тўй олдидан «уй кўтараётган» саранжом-саришта оилага ўхшайди. Ҳамма жойда умумхалқ ҳашарлари, кўчалар, майдонлар тартибга солинган, маҳаллалар, кўп қаватли уйларда яшовчи фарзандларимиз озодалик, тозалик бўйича «ким ўзар» ўйнаётгандек.*

Якдиллигини яна бир бор намойиш этаётган миллионлаб ҳамюртларимиз ушбу қутлуғ санани қай даражада қадрлашини исботламоқда. Ҳа, мазкур айём ҳар биримиз учун катта тарихий аҳамиятга эгадир. Бош байрамимиз тарих зарварақларига ҳақиқий маънода зарҳал ҳарфларда ёзилиши учун вилоят «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси «қамишдан бел боғлаб» хизмат қилди. Байрам муносабати билан вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари вилоят ҳокимининг қарори асосида амалга оширилди. Вилоятнинг шаҳар ва туманлари ҳудудидан ўтган йирик автомобиль йўллари бўйлаб турли ўлчамдаги паннолар намуналари ишлаб чиқилиб ўрнатилди.




Вилоят ҳокимлигининг биноси шиор билан безатилди. Ангрен шаҳри ҳокимлиги ва ҳудуди байрамона тусга кирди. Шаҳарнинг кўчалари бўйлаб 23 та шиор, байроқлар ҳамда бешта панно ўрнатилди. Бекобод шаҳрида олтита панно янгиланди.



Корхона ва ташкилотлар биноларига, кўчалар бўйлаб, юзта шиор осилди. Янгийўл шаҳридаги Алишер Навоий номли боғ саҳнаси шиорлар билан ясатилди. Тошкент туманининг ҳар бир маҳалласи жами 6 та шиор билан таъминланди. Зангиота туманида еттита панно янгиланди. Темир конструкциялар тайёрланди ва монтаж қилинди. Олти дона ижтимоий панно тўлиқ рангли босма усулда тайёрланди. Тошкент — Самарқанд автойўлида иккита йирик панно ўрнатилиши билан боғлиқ тайёргарлик ишларини муваффақиятли олиб бордик. Буларнинг барчаси истиқлолимиз туғилган кунни муносиб равишда кутиб олишга қаратилган ишларимизнинг бир томчисидир.

Ушбу панно, кўргазма ва шиорлар орқали вилоятимизда мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар жараёнини кенг оммага етказишни бош мақсад қилиб олдик. Бизда тайёргарлик жараёни май ойидан бошланган бўлиб, уларни кўтаринки руҳда якунлашимизда вилоят ҳокими ва вилоятнинг шаҳар ва туман ҳокимликлари, жойлардаги корхона, ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинди. Айтиб ўтиш зарурки, қўлга киритилган ютуқларимиз чиндан ҳам салмоқли, уларнинг барчаси жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган. Мустақиллик туфайли ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, мамлакатимиздаги барча бойликлардан халқ манфаатлари ва унинг келажаги йўлида фойдаланиш имкониятига эга бўлдик. Қилган ҳар бир ишимизда шу каби масалалар ёрқин акс этиб турибди.

Байрам билан, азиз дўстлар!

***Диёр МИРЗААҲМЕДОВ,***
***«Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.***

# ЧЕГАРАЛАР МУСТАҲКАМ

*Одатда тинчлик, осойишталик барқарор юртдагина тўй-томошалар, байрамлар бўлади, дейишади. Бу ҳақ гап. Оила тинч, осмон мусаффо бўлса, тунлари ҳадиксиз ухлаб, тонгда хотиржам уйғонсангиз, қилган ишингиз, кўрган кунингизда ҳам барака бўлади.*

Зотан, тинчликни кўз қорачиғидай асраш ҳар бир Ватан фарзандининг муқаддас бурчидир. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ходимлари эса бу масъулиятни теран ҳис этадилар. Айтиш мумкинки, бугунги кунда давлатимиз сарҳадлари мустаҳкам. Ҳар қандай уринишларга барҳам берилмоқда. Хусусан, 2003 йил давомида давлат чегараларидан ўтишнинг қонун-қоидаларини бузган 2833 киши ушланди. Шунингдек, бир қатор ноқонуний моллар кириши ва чиқишига йўл қўйилмади.

Ватан остонасидан ҳеч ким ўз-ўзидан ўта олмайди. Бунинг учун биз чегарачилар бор имкониятларни ишга солиб, халқ тинчлиги йўлида ўз вазифамизни астойдил адо этаверамиз.

***Раҳматилла ҚУРБОНОВ,***
***Чегара қўшинлари ҳарбий қисми Тошкент тезкор гуруҳи бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.***

# ҲАММАСИ ФАРЗАНДЛАР УЧУН

*Биз ҳар йили мустақиллик байрами билан биргаликда яна бир муҳим санани нишонлаймиз. Бу — янги ўқув йили бошланадиган кун. Тантаналар 2 сентябрдан бошлаб ўқув муассасаларига кўчади.*

— 2003-2004 ўқув йилида 522 минг 320 нафар ўғил-қиз 459 та замонавий, 437 та мослаштирилган мактаб биноларида таълим олади, — деди вилоят Халқ таълими бошқармаси умумий ўрта таълим бўлими бошлиғи Баҳром Мусулмонов. — Мактаб ва боғчаларни янги ўқув йилига кўнгилдагидек тайёрлаш учун 463 миллион сўм, жорий таъмирлашга 52 миллион сўм маблағ давлат бюджети ҳисобидан ажратилди. Ҳомийлар томонидан эса, 560 миллион сўмлик қурилиш ашёлари берилди. Бу йил ҳомий ташкилот ва хўжаликларнинг қўшган ҳиссалари катта бўлди. Жумладан, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси иккита мактаб учун 20 миллион сўмлик ҳиммат кўрсатди. Паркентдаги «Бойқозон» ширкат хўжалиги 31-мактабни тўлиқ таъмирдан чиқариб, ўз ҳисобидан 320 ўринли мактаб биноси қуриб берди. Жорий ўқув йилининг бошида Ўртачирчиқ туманида 320, Тошкент туманида 450, Қибрай, Паркент туманларида эса 240 ўринли янги мактаб бинолари ишга туширилади.




Бу йил мактабларда 48 минг 794 нафар болалар 1-синфга қабул қилинди. Уларнинг барчасига Президент совғалари ҳамда дарсликлар тақдим этилади. Ўқувчиларни китоб билан тўлиқ таъминлаш мақсадида 52 минг 612 нафар тўққизинчи синф ўқувчиларига 10 номда, 52 минг 329 нафар тўртинчи синф ўқувчиларимиз 6 номда, 54 минг 329 нафар бешинчи синф ўқувчиларига 9 номдаги дарсликлар ижарага берилади.

## БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

Давлатимиз томонидан касб-ҳунар коллежларига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Шу боис, йилдан йилга ушбу даргоҳларда билим олиш орзусида бўлган талабалар сони ортиб бораяпти. Ёз бўйи интиқиб кутилган ўқув мавсуми олдидан барча таълим муассасаларини жарангдор қўнғироқ садолари тутиб кетади.

— Янги ўқув йилида сабоқ олиш учун қабул қилинувчилардан 375 нафар йигит-қизларимиз талабалик бахтига муяссар бўлишди, — деди Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари Машкура Мавлонова. — Улар ўз қизиқиш ва интилишларига кўра молия, компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш билан бирга бошқа йўналишларда билим ва малака оладилар. Қандолат, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш касбларини малакали устозлардан ўрганадилар. Коллежда барча шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, улар талабаларимизнинг маънавияти, бўлажак касб кўникмалари, билим савияси кўтарилишига хизмат қилади.

**Саид ҲАКИМОВ.**

*Эртага республикамиз бош майдонида ўтажак Мустақиллик тантаналарида вилоятимиз бадиий жамоаси ҳам ўз дастурини намойиш этади. У икки қисмдан иборат бўлиб, «Мен ҳаёт гулининг ўзиман» деб номланувчи биринчи қисмида ўзбек қизи сиймосида ёшлар ҳаёти, Ватан келажаги йўлидаги интилишлар куйланади. Иккинчи қисм «Озод диёрим» деб номланиб, унда юртимиз аҳлининг тотувлиги, инсон қадр-қиммати, унга эҳтиром, ғамхўрлик ва меҳрибонлик каби фазилатлар тараннум этилади.*

## НАВОЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Чиқиш навбати Тошкент вилояти жамоасига келгач, саҳнанинг орқа фонида вилоят табиат манзараси акс этган лавҳалар тасвирий санъат воситасида намойиш этилади. Дастурдан жой олган барча қўшиқлар сўзларини Зарифа Эралиева ёзган, уларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Қаҳрамон Комилов куй басталаган. Бош режиссёр Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Тоймураз Текоев, балетмейстер Раъно Дўстматова ҳамда сценарий муаллифи А. Шокировлар меҳнатини энди томошабин баҳолайди. Янги қўшиқларни вилоят Маданият ишлари бошқармаси қошидаги «Шош наволари» дастасининг хонанда ва созандалари ижро этишади.

Дастур ижроларининг асосий қисмини Оққўрғон тумани Марказий маданият уйининг «Қувонч», Ангрен шаҳар маданият уйи қошидаги «Шанс», Бекобод шаҳар маданият уйининг «Нилуфар», Паркент тумани «Паркент гуллари» дасталарининг вакиллари ҳамда Бекобод шаҳар мусиқа билим юрти талабалари ташкил этади. Вокал-хореографик композицияни саҳналаштириш ишлари шу йилнинг 5 июлида бошланган эди. Тайёрланган дастур республика ташкилий қўмитаси томонидан ижобий баҳоланди.

Шу ўринда машғулотларни ташкил қилиш, тайёргарлик кўриш жараёнида барча шароитларни яратган вилоят ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоасига миннатдорчилик билдирамиз.

Хуллас, тантана куни 120 нафар қатнашчи вилоятимиз номидан «Ўзбегим юз тутар эзгу навога» номли театрлаштирилган оммавий саҳна чиқишини завқ-шавқ билан намойиш этишади.

Халқимизнинг энг буюк ва муқаддас айёми бўлган Мустақиллик кунини кутиб олиш учун тайёргарлик ишлари ташкилий равишда бутун вилоят миқёсида олиб борилди. Жумладан, барча туман ва шаҳар маданият муассасалари аниқ белгиланган ва тасдиқланган режа ҳамда дастурлар асосида кўплаб тадбирларни юқори савияда ўтказишди. Жойларда аҳолига кўтаринки кайфият бахш этиб, Истиқлол ғояларини омма ўртасида тарғиб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Зангиота туманида «Миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятлар» мавзусида «Раҳматуллаевлар сулоласи давом этади» номли илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда миллий ҳунармандчилигимизнинг намуналаридан бўлмиш ёғоч ўймакорлиги ҳамда миниатюра санъати ва уларни ривожлантириш, кенг тарғиб этиш борасида фикр юритилди. Қуйичирчиқ туманида «Ўзбекистон — кеча, бугун ва эртага» номли кўргазма ташкил қилинди.

Янгийўл шаҳар маданият бўлими томонидан эса «Маҳалла — тарбия ўчоғи», «Она тилимизни яхши биласизми?» номли тадбир, шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда, Файзиобод, Фарҳод, Охунбобоев маҳаллалари иштирокида «Огоҳликка даъват» рукни остида тадбирлар бўлиб ўтди. Оҳангаронликлар «Маҳаллам менинг — фахрим менинг» номли мавзудаги кеча ҳамда «Биз яшаётган мамлакат» номли ёш рассомлар кўргазмасининг гувоҳи бўлишди. Вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам юқоридаги сингари тадбирлар ўтказиш давом этмоқда.

***Рамзиддин ИКРОМОВ,***
***Тошкент вилояти Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи.***

Байрам ярмаркаси

## МУНОСИБ ТУҲФА, БЕМИННАТ ХИЗМАТ

*Қутлуғ байрам — мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги муносабати билан турли касб эгалари халқимизни хушнуд этиш мақсадида ўзига хос тайёргарлик кўрдилар. Жумладан, кундалик эҳтиёжимизни қондириб келаётган савдо ходимлари ҳам бундан мустасно бўлмади.*

*Байрамолди тайёргарлиги, савдо ходимлари хизматлари ҳақида вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси бошқарувининг раиси Қудратилла Маҳамаджонов «Тошкент ҳақиқати» мухбирига шундай деди:*

— Кейинги йилларда савдо, тижорат ва ишлаб чиқариш соҳаларида сезиларли ўсишга эришилмоқда. Вилоятимиз аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, аҳоли таъминоти учун лозим бўлган товарларни келтириш, баъзиларини ўзимизда ишлаб чиқариш учун маблағ ва имконият топиш ҳамда халқ талабини тўлиқ қондиришни, савдо хизмати кўрсатиш маданиятини янада оширишни бурчимиз деб биламиз.

Компаниямиз энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш учун кўплаб чора-тадбирларни амалга оширди. Жумладан, Бекобод, Чиноз, Паркент, Оҳангарон, Зангиота туманларида жами савдо майдони 245 квадрат метр бўлган замонавий услубдаги «Минимаркет» савдо дўконлари ҳамда кунига бир тонна нон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган иккита новвойхона ўз маблағларимиз ҳисобидан қуриб битказилди. Савдо тармоқларини таъмирдан чиқаришни ҳам амалга оширдик. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг моддий-техника базасини ривожлантириш, уларнинг умумий ҳолатини яхшилаш мақсадида жами 293 та иншоот жорий, 11 таси эса мукаммал таъ-




мирдан чиқарилди.

Шунингдек, байрамолди ва шодиёна кунлари савдо, умумий овқатланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этмоқдамиз. Шаҳар ва туманларимиз марказларида 30 турдаги қандолат, 20 турда нон ва нон маҳсулотлари, пазандалик таомлари ҳамда салқин ичимликлар, музқаймоқлар сотувга чиқарилади.

Барча саъй-ҳаракатлар туфайли вилоят миқёсида бўлиб ўтаётган кўрик-танловлар, ўқув-семинар машғулотлари ўз самарасини бермоқда. Унда ёш сотувчилар, ошпазлар ҳамда қандолатчилар касб маҳоратлари бўйича тажриба алмашдилар.



# БУТУН ҲУДУД — ҚУРИЛИШ МАЙДОНИ

*Ватанимиз мустақиллигининг ўн иккинчи йили вилоятимизнинг беистисно барча шаҳар ва туманларида бунёдкорлик йили бўлди десак, муболаға бўлмайди. Йил бошидан буён турли соҳаларга оид қурилиш объектлари «Мустақиллик иншоотлари» деб эълон қилиниб, уларни яратишда барча корхона, ташкилот ва хўжаликлар фаол иштирок этдилар.*

Оққўрғон туманида қурилишлар кўлами, айниқса, кенг бўлди. Чунончи, истиқлолнинг ўн икки йиллиги байрамига атаб 1250 ўринли касб-хунар коллежи, «Оққўрғонтомат» корхонаси, «Акмал» фирмасига қарашли «Нон комбинати», юнон-рум кураш турига мўлжалланган спорт зали барпо этилди.

Янгийўл шаҳри ҳудуди ҳам йил бошидан улкан қурилиш майдонига айланди, дейиш мумкин. Бу ерда маиший хизмат ходимлари тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Шаҳар ҳомийларининг моддий ёрдами ҳамда ҳашар йўли билан учта гузар мажмуи қуриб битказилди. Шунингдек, янги барпо этилган даволаш-соғломлаштириш маркази ҳам янгийўлликларнинг байрамга муносиб совғалари бўлди.



Қибрай туманидаги касб-ҳунар коллежи биноси.



«Сабот-ул-ором» хусусий корхона раҳбари Жуманазар Янгибоев ва туман бош меъмори Акром Нозимов.

Бўкаликлар ҳам байрамни ёруғ юз билан кутиб олдилар. Янги қурилган касб-ҳунар коллежида ҳар йили 450 нафар ўқувчи таълим оладиган бўлди. Бундан ташқари, қатор маданий-маиший объектлар тикланди.

Бекобод ва Олмалиқ шаҳарлари, Қибрай, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида ҳам академик лицей, касб-хунар коллежи, мактаб ва бошқа маданий-маиший ҳамда спорт иншоотлари бунёд этилди.

Умуман, мустақилликнинг ўн икки йиллигига атаб вилоятимиз бўйича бу йил 50 дан зиёд савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари, 6 та қишлоқ врачлик пунктлари, 5 та мактаб биноси, 1 та академик лицей, 4 та касб-ҳунар коллежи, 17 та гузар, 4 та спорт мажмуи, 10 та спорт зали ва майдони, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган цехлар ишга туширилди. Шунингдек, 150 километр масофага газ, 60 километр масофага ичимлик сув қувурлари тортилди.



Янгийўл шаҳри «Рамадон» маҳалла гузари.



«Араббой» хусусий озиқ-овқат дўкони.

*Сирожиддин ИЛҲОМОВ, вилоят ҳокимлиги индустрияни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича котибият раҳбари.*

*Даврон АҲМАД олган суратлар.*


ASAKA BANK

«АСАКА БАНК»

Тошкент вилоят филиали жамоаси

Республика аҳолисини Мустақилликнинг 12 йиллиги санаси билан астойдил қутлайди!



«Асака банк» сизларга янги хизмат тури — «Асака» пластик карточкасини тавсия этади. У универсал тўлов воситаси бўлиб, омонатларингизни нафақат сақлаш ва ҳар ойда тегишли фоизини олиб туриш, балки, харид қилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлашингиз учун ҳам қулай имконият яратади. Сиз карточкангизга қўйилган омонатингиз ҳисобидан ҳар ойда 3 фоиз ёки йилига 42,58 фоиз даромад кўрасиз. Биз барчангизга омад ва фаровонлик тилаймиз!

*Озодлик, ҳуррият каби тушунчалар ҳамиша инсоният тараққиётидаги энг улуғ ва эзгу тушунчалар сифатида қадрлаб келинган. Зеро, бу қадриятлар киши умрининг асоси, мазмун ва моҳияти ҳисобланган. Ҳа-да, бир кун бўлса ҳам, инсонга ўхшаб, кўкракка шамол тегиб, яшаб ўтганга не етсин!? Йўқса, Широқ ва Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди сингари боболаримиз бу йўлда жонини Жабборга тикишармиди? Шох Машрабни дор остига бошлаган, Қодирий ва Чўлпондай аждодларимизни зор йиғлаб, қўйлашга мажбур этган ҳам ўша руҳ, ўша жасорат эмасмиди?! Бу янглиғ Ватанга муҳаббат, у дея кўрсатилган амалий саъй-ҳаракатларни ўтмишдошларимиз шахсий намунасида кўплаб учратишимиз мумкин. Шунинг учун ҳаммамиз истиқлолни буюк ва муқаддас қадрият сифатида эъзозлаймиз. Ахир, у дея не-не даҳо боболаримизнинг азиз қони тўкилмаган? Шу боис бугунги кунларга етолмаган, аммо, у деб курашганлар ёди ҳаққи биз буюк иноят — истиқлолни ардоқлаш, қадрига етиш ва юксалтиришга масъулмиз.*

# НУРАФШОН УФҚЛАР



Мана, ўн икки йилдирки, Ўзбекистон деган юрт Мустақиллик ҳавосидан нафас олиб, ундан қониб ва илҳомланиб турмуш кечираётир. Ушбу заминда қисқа фурсат ичида амалга оширилган-оширилаётган қурилиш-ўзгариш, ободонлаштиришларни кўриб, кишининг кўзи қувнайди, тасаннолар айтади. Ҳа, бундан ўн икки йил илгари яхши ният билан бошланган эзгу ва улуғвор ишлар бугун ўз самараларини бермоқда. Энг муҳими, буни ривожланган Дунё ҳам эътироф этаётир. Шуларнинг инъикоси сифатида Ўзбекистон Республикасида кўплаб хорижий давлатларнинг дипломатик миссиялари иш бошлади, жаҳон иқтисодиёти гигантлари саналган компания, концерн, корпорациялар юртимиз томон юзланди.

Ўзбекистонда биргина таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг натижалари барчада қониқиш уйғотмоқда. Негаки, ҳали жаҳон тажрибаси бу қадар кенг қамровли саъй-ҳаракатлар тўлқинини кам кўрган. Мамлакатимизда қисқа давр ичида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида кўплаб янги илм масканлари ва коллежлар вужудга келтирилиб, улар барча замонавий ўқув воситалари билан таъминланди. Кўплаб ўқитувчилар жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида малака ошириб қайтдилар. Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларни жисмонан баркамол ва соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида ташкил этилган уч босқичли спорт тизимининг ўзи ҳам жаҳон тажрибасида ягоналигича қолаётир. Бунинг натижаси ўлароқ, спорт орқали Ўзбекистон шуҳрати халқаро майдонда борган сари кенгроқ тарқалмоқда.

Маълумки, ҳар бир нарса таъмирга, сайқалланиб яшашга муҳтож. Шу маънода истиқлол ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоғи лозим. Хўш, бу ҳолат бугунги ёш авлод онгида қай даражада акс этмоқда? Яқинда шу мазмун-моҳиятни қамраган тадбир вилоятдаги кенжа ўрта махсус таълим муассасаларидан бири — Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. У: «Менинг мустақилликни мустаҳкамлашдаги улушим» деб номланди. Таъкидлаш жоизки, ўқув масканидаги шароитлар ҳар бир кишини ҳаваслантиради. Маълумот: шу кунларда коллеж тўрт ёшга тўлди. Бу ерда тўққиз йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда. Жорий йилда эса 600 нафардан зиёд талаба таълим олади. Коллежда 2 та компьютер синфи бўлиб, барча ўқув хоналари ҳам замонавий «Пентиум-3» ва «ДЭУ» русумли компьютерлар билан таъминланган. Фанлар бўйича коллеж вилоятдаги 67 та шу тизимдаги ўқув масканлари ўнлигидан мунтазам жой олиб келмоқда.

Айрим талабаларнинг гапларини эшитинг:

**Ғайрат ИСМОИЛОВ — ҳуқуқий-хўжалик фаолияти йўналиши III курс талабаси:**

— Бинокорлар биз яшаётган иморатларни қурган, бободеҳқонлар дастурхонимиз тўкинлигини таъминлашмоқда. Айни пайтдаги асосий вазифамиз — устозлар йўриғига юриб, пухта билим олиш. Токи, бу билимлар эртанги кунимиздаги ҳар дақиқада асқотсин. Келажакда одил ҳуқуқшунос бўлиб етишиб, Хоразм қўшиқчилик анъаналарини ривожлантириш орқали юртнинг яхши кунига ярай олсам, ўзимни Ватаним, ота-онам ишончини оқлаган фуқаро ҳисоблайман. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир фуқаро зиммасида юксак масъулият, бурч ҳисси ётади.

**Саодат ИСМАТОВА — ҳуқуқшунос-иқтисодчи йўналиши III курс талабаси:**

— Мен коллежда ўқиш билан бирга ёшларимиз, вилоятимиз ҳаётидаги муҳим ўзгаришларни республика оммавий ахборот воситалари саҳифаларида ёритиб ҳам тураман. Мақсадим — келгусида жамият ҳаётида жўшқин фаолият олиб борувчи ҳуқуқшунос-иқтисодчи-журналист бўлиб етишиш, Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик, ривожланган давлатлар орасида яна ҳам мустаҳкам ўрин эгаллашига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

**Наиль ХАЕТДИНОВ — бухгалтерия ҳисоби йўналиши II курс талабаси:**

— Ўзбекистондек миллий муносабатлар дўстона йўлга қўйилган давлатда яшашни бахт деб биламан. Бугунги тинч турмушимизни асраб-авайлаб, ёт кучлардан ҳимоялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Президентимиз таъкидлаганларидек, биз боболаримиздан сергакроқ ва масъулиятлироқ бўлишимиз лозим. Фикримча, жамият ҳаётидаги ҳар бир ижобий ишларимизни истиқлолга қўшилган улуш дея баҳолаш мумкин.

**Мадина ОРИПОВА — ҳуқуқий-хўжалик фаолияти йўналиши I курс талабаси:**

— Яқинда иккинчи жаҳон урушидан кейинги миллий тикланиш йилларида япон аёллари қимматбаҳо буюмларини Япония тараққиёти йўлига сарфлагани ҳақидаги қизиқарли ахборот билан танишгандим. Бундай кишилар — йўллар, кўприклар ва мактаблар, спорт майдонлари курдираётганлар Ўзбекистонда ҳам кўплаб топилади. Орзуим ўшалардек саховатпеша одамлар кўпайса, мен ҳам улар орасида бўлсам... Ахир, мустақиллигидан ҳеч бир манфаатни ўсту кўйиб бўлмайди-ку.

***Сўнгсўз ўрнида:** юқоридаги фикрлар – ёшларимиз қалбида кечаётган орзу-мақсадларнинг ҳаётий ифодаси. Кўриниб турибдики, бугунги авлод лоқайдлик, сансаларлик каби мустабид тузумдан қолган иллатлардан холи равишда улғаймоқда. Бу, қувонарли, албатта. Уларда, энг муҳими, ҳаракатчанлик, билим, мустақил фикр ҳамда уни амалда қўллашга бўлган интилиш ва эртанги кун учун масъулият ҳисси мавжуд. Ҳар бир жамиятнинг мазмун-моҳияти, тараққиёти ҳаракатда экан, бу келажакка умид уйғотади. Умид, яхши ният эса барча эзгуликларнинг манбаидир. Инчунин, буларни ҳеч ким танти боболаримиздан ўтказиб, таърифини келтириб, айта олмаган: «Ҳаракатда – баракат», «Яхши ният – ярим мол» дейишган улар. Бугун улғаяётган умидли авлод бор экан, дарҳақиқат, Ватанимиз обрў-эътибори мангу улуғвор бўлаверади.*

***Воҳид БОЙМУРОДОВ.***

***СУРАТДА:** коллеж талабалари.*

# ВАКИЛЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

*Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб Фарғона вилоятида «Турон» якка кураши бўйича республика турнири ташкил этилди.*

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан жами 200 нафар курашчи қатнашди. 1987-1988, 1989-1990 йилларда таваллуд топган ўсмирлар 12 вазн тоифасида баҳс олиб боришди.

16 нафар вакилимиз вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўринни мезбон вилоят, учинчи ўринни наманганлик спортчилар қўлга киритишди. Шахсий биринчиликларда вилоятимиз вакилларидан Қурбон Худойназаров (30 кг), Абдусаттор Абдуфаттоҳов (33 кг), Улуғбек Мирсоатов (42 кг), Дилмурод Абдукаримов (50 кг), Аҳмад Худойназаров (70 кг) ҳамда Абдулазиз Жалилов (39 кг) ғолиб бўлишди.

— Ушбу турнирни ўтказишдан кўзланган мақсад, — деди вилоят «Турон» якка кураши федерацияси президенти Акром Шердонаев, — истиқлол байрамини муносиб равишда кутиб олиш, ёшлар ўртасида чемпионларни аниқлаш, ушбу кураш турини оммавийлаштиришдан иборатдир.

«Турон» якка кураши бўйича навбатдаги республика турнири 12 сентябрь куни Тошкент тумани Келес шаҳридаги спорт мажмуида бўлиб ўтади. Унда 1992-1993, 1994-1995 йилларда туғилган курашчилар иштирок этишади.

***Хуршида НАЗАРОВА.***

# ЭЛМУРОДНИНГ СОВҒАСИ

*Спорт кишини нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам чиниқтиради. Бу ақидани яхши тушуниб етган чинозлик Элмурод Тожибоев ёшлигидан спортга берилди. 7 ёшидан каратэ билан шуғулланган бўлса, 15 ёшидан таэквондога ихлос қўйди.*

Шу йилнинг 12-15 июнь кунлари Грецияда таэквондо бўйича XIII Жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда 14 нафар спортчидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам медаллар учун кураш олиб боришди. Улар сафида спорт устаси, 2-дан қора белбоғ соҳиби Элмурод Тожибоев ҳам бор эди. Ушбу жаҳон чемпионатига унинг устозлари — Таэквондо Миллий ассоциацияси президенти Пўлат Усмонов ҳамда 4-дан қора белбоғ соҳиби Фахриддин Умаров ҳам уни қўллаб-қувватлаш мақсадида боришган эди. Элмурод чемпионатдан бронза медал билан қайтди. Бу ютуқдан унинг укаси, икки карра Ўзбекистон чемпиони Санжар Тожибоев ҳам ғоят мамнун бўлди.



— Таэквондо кўҳна бўлса-да, спорт тури сифатида нисбатан янгидир, — дейди Элмурод Тожибоев. — Унинг биринчи жаҳон чемпионати 1974 йилда Канадада ўтказилган эди. Бу йилгисида эса, жаҳоннинг 86 мамлакатидан спорт усталари қатнашди. Энг муҳими, юртимиз мустақиллигининг 12 йиллигини кўксимда яна бир медал билан, муносиб қарши олаётганимдан хурсандман.

***СУРАТДА:** Элмурод Тожибоев.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

# «УШШОҚ»НИ ҚАМАБ БЎЛМАС...

*Ҳаммаёқни мусиқа садоси босган... Очиқ кенг саҳнада, минглаб одамлар каршисида озод, эркин, баралла «Ушшоқ» куйланмоқда. Қўлида ликопча тутиб, «Ушшоқ»ни қуйлаётган ҳофизнинг кўзларидан шашқатор ёш оқмоқда... Яна аллакимларнинг дилидан хуни селоба тизиллаб отилмоқда эди. Ҳофиз кўзига ёш тутган парда ортидан сукут сақлаб, тебраниб ашула эшитаётган сомеларни кўрар экан, ўз кўзларига ишонмасди. Наҳот рост... Ҳеч ким унга ўқрайиб, қўлингга кишан солиб олиб кетаман демаяпти... Унинг қўшиғи тинганда атрофни гулдурос олқишлар босиб кетди.*

Дунёда бирон-бир инсон йўққи, муҳаббат ҳақида қўшиқ айтмаган ёки бирор байт битмаган бўлса. Зеро, қўшиқ, мусиқа инсон дил қаърида яширинган тотли ҳислар, инжу туйғулар ифодаси. Шунинг учун мусиқа устози — муаллим, ҳофиз доимо эл ардоғида. Ана шу ардоқни у сургундан қайтиб келганида кўпгина кишилар чеҳрасида кўриб, дилидаги аламларини бир қадар унутган эди.

Ҳа, Жамил ҳофиз Ҳидоятов ардоқли ҳофиз, устоз эди. У мактабда мусиқа муаллими, дўстлар даврасию, катта-кичик йиғин — тўйларнинг маҳфил ороси эди. Шу боис, Тошкентдаги ўқитувчилар орасида уни танимаган кишининг ўзи йўқ эди, десак муболаға бўлмайди.

Маълумки, 20-30- йилларда одамларнинг энг кўп тўпланадиган жойлари асосан, чойхоналар, клублар, театрлар, мактаб саҳналари эди. Бу даврда бадиий ҳаваскорлик тизими ниҳоятда тараққий этган эди. Ҳар бир мактаб қошида ўзининг театр ва мусиқа тўгараклари бўларди. Жамил Ҳидоятов «Намуна» мактаби қошидаги мусиқа тўгарагининг раҳбари ҳам эди.

Жамил Ҳидоятов Тошкент шаҳар Маъдалихон маҳалласида гумашта оиласида дунёга келган. Онаси — Зеби Ноибова уй бекаси, отаси — Шукур Ҳидоятий савдогар Шораҳимов Шоаҳмад қўлида приказчик-гумашта бўлиб ишлар эди. Аммо, бу иш оила боқишга ярамай қолгач, боғбонлик ва сут сотувчилик билан шуғулланди. Ўғли Жамил хат-саводли, бир касб эгаси бўлиши учун шароит яратди. Жамил Ҳидоятов ўз даврининг донғи кетган мусиқа устозларидан таълим олди. Ўқитувчилик курсини битирди (умуман олганда, ҳофизнинг «жиноий иши»да унинг таржимаи ҳолига оид фактлар жуда оз, асосан бўҳтон...).

Жамил Ҳидоятов ўрта мактабларда мусиқа амалиётидан дарс бера бошлади. Шу билан бирга жамоат ишларида фаол қатнашиб, мактабларда, қизил чойхоналарда ўтказиладиган турли тадбирларда ҳофиз сифатида иштирок этиб, мумтоз ва замонавий қўшиқларни ижро этиб, мухлисларни ҳушнуд этарди.

Шу билан ўзи ҳам ўқиш-ўрганишдан сира тинмасди. Мактабда дарс бериб юрар экан, номи бутун Туркистонга кетган машҳур педагог Тангриқул Мақсудий билан танишади. Унинг таклифи билан Себзор даҳасидаги Улуғбек номли мактабга мусиқа муаллими бўлиб ўтади. Себзорлик ўқувчи болаларга миллий куй-қўшиқларни ўргатади. Миллий туйғуси ниҳоятда кучли бўлган муаллим болаларга Навоий, Машраб, Фузулий каби аллома шоирлар ғазаллари, Чўлпон, Фитрат, Тавалло, Авлоний, Хуршид сингари замондош шоирлар шеърларига басталанган қўшиқларни ўргатиб, уларнинг Ватанга муҳаббат ҳисларини ўстиради, инсонга, миллатга меҳр-оқибатли бўлиш руҳини қувватлантиради. Ана шу жараёнда Т. Мақсудий билан яқиндан танишиб, унинг «Миллий иттиҳод» аъзоси эканидан дарак топади, унинг ғояларига сиғинади, аммо уни ҳеч кимга сотмайди. У ўз халқининг аянчли аҳволини қўшиқлари орқали тараннум этади. Мақсудийнинг дала ҳовлисида ўтадиган йиғинларда атоқли жамоат арбоби, мутафаккир Мунаввар қори Абдурашидхонов билан танишади. Унинг халқ истиқболи ҳақидаги дил сўзларини тинглайди. Самимий мухлисига айланади. Буюк инсоннинг миллий кадрларни тарбиялаб, вояга етказиш ҳақидаги фикрларини дилига жойлайди. Бутун фаолияти давомида шу ғояга содиқ қолади.

Ўз шогирдларига «Ушшоқ», «Чоргоҳ-I», «Чоргоҳ-II», «Ироқ» каби эл севган миллий куй-қўшиқларни ўргатади. Аммо, бу фаолият миллий тараққиёт, миллий маданият ривожига тўсиқ бўлган мустамлакачиларга маъқул келмайди. 1929 йилда Жамил домла ГПУ (давлат сиёсий бошқармаси) ходимлари томонидан «Миллий иттиҳод»га аъзоликда гумон қилиниб, қамоққа олинади. Сўроқларда, савол-жавобларда, юзлаштирувларда гумон тасдиғини топмаса-да, 5 йилга сургун қилинади. Жазо муддатини концетрацион лагерда ўташга мажбур қилинди. Мурманск вилоятининг Кем шаҳрида жазо муддатини ўтаб, 1933 йилда Тошкентга омон-эсон қайтиб келади.

Санъаткор доимо эл эътиборида. Унинг ҳар бир қадами, оиласининг аҳволи барчанинг кўз ўнгида бўлади. Жамил Ҳидоятовни билганлар уни ҳақиқий ижодкор сифатида қабул қилиб, мактаблар, тўгаракларда ишлаш учун таклиф қиладилар. Халқ-давлат тантаналарида иштирок этиб, дилидаги санъатини рўёбга чиқаради, дуо олади, болаларга санъат ўргатиб, савоб иш қилаверади.

Ижодкор сургунда юрганда танҳоликда билган қўшиқларини хиргойи қилар, дарахт шохчасини қўлига олиб, мисли дутордек чертар, ўзи билган шоирларнинг шеърларини ёддан такрорлаб, уларга куй басталар эди. Шоир Муҳаммадшариф Сўфизоданинг «Ўпай» радифли ғазалига ёзилган куй шу тариқа вужудга келган эди. Издиҳомлардан бирида «Ўпай», «Зулфинг сани», «Ўлкани сақлаш» қўшиқларини аста-секин куйлар эди. Одамлар қаттиқ илтимос қилишганда қўрқа-писа Фузулийнинг «...бемор ўландан сўр», Навоийнинг «Ушшоқ»ини ўқир эди. Ўзи ҳам, эшитганлар ҳам сел бўлар эдилар. Бироқ бу ҳолат миллий қўшиқ эшитганда бехуш, миллий тараққиётни кўрганда дарғазаб даҳбошиларга маъқул келармиди?

1933 йил бошида мактаб директори ўз ўртоқлари ўртасида «гап» ўйнайди. «Гап», албатта, санъаткорсиз ўтмайди. Жамил Ҳидоятов ҳам бу «гап»га таклиф қилинади. Бир неча мажлисларда қатнашиб, иштирокчиларнинг ўзига ўхшаган тўғри одамлар эканини билгач, ўзи билмаган ҳолда «Маҳтоб» лақабли сиёсий идоранинг айғоқчисини дўст тутиб, «гап»га олиб киради. Ўқитувчиларнинг гап-сўзларидан сиёсий айб топа олмаган «Маҳтоб» тўйдирганнинг қорнига... қабилида иш тутиб, Жамил Ҳидоятов ман қилинган қўшиқларни айтаётгани ҳақида бошлиқларига хабар беради. Ана шу аснода ўзбек халқининг теран томирлари — зиёлилар, педагогларни йўқотиш пайига тушган даҳбошилар «Педагог» операциясини белгилайдилар. Шу боис ўрта ва олий мактаб ўқитувчилари орасига ўз «кўз-қулоқ»ларини сингдирадилар.

Жамил Ҳидоятовни куйдирган «Маҳтоб» умри мобайнида бир шеър, бир қўшиқ эшитиб, кўзига ёш келмаган, дил изтироби-ю, қўшиқ қувватидан қувват олиб соллана тебранувчи вужуддан маҳрум бўлгани учун тегишли жойга Жамил «Шаҳноз», «Ироқ», «Баёт», «Савти чоргоҳ» каби ашулаларни айтмоқда деб, хабар беради. Педагог» операцияси ишга тушиб, Жамил Ҳидоятов ва бошқа ўқитувчилар қамоққа олинадилар. Назаров деган ғишт терувчи қуйидагича кўрсатма беради: «Жамил Ҳидоятовни аксилинқилобий фаолияти ҳақида ҳеч нарса дея олмайман, лекин уни аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзолари бўлмиш Эшонхўжа Ҳоний, Яҳё Саидов, Баҳодирқори Қосимов ва бошқалар билан яқин алоқадорлигини биламан. 1925 йилда Ўрдада турувчи Абдуқаюмнинг уйида аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилотининг йиғилиши бўлди. Шу йили ушбу ташкилот аъзолари Абдуваҳоб Муродийнинг уйида унинг Германиядан келиши муносабати билан йиғин ўтказдилар. Ҳидоятов аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлгани учун 1929 йилда уч йилга қамалган».



Жамил Ҳидоятовнинг ўзига ўхшаш бир ашулачи ишсиз юрганидан, қамалишидан қўрқиб, қуйидагиларни айтади: «Ҳидоятов Жамилнинг очиқ аксилинқилобий ташвиқот олиб борганини билмайман. Лекин у доимо чойхоналарда, йиғинларда ман қилинган «Савти Ушшоқ», «Чоргоҳ», «Ироқ», туркча «Гедиюр-гедиюр» қўшиқларини айтарди». Бу қўшиқларнинг барчаси ман қилинган қўшиқлар ҳисобланарди. Сўроқ қилинган кишиларнинг барчаси бу қўшиқларнинг ман этилганини таъкидлайдилар. Халқимиз узоқ йиллар мобайнида дилига жо қилиб, барча хос ва халқ сайилларию, издиҳомларда ҳофизлар юракдан куйлаб, сомелар чин дилдан севиб тинглайдиган бу мумтоз қўшиқларни ҳибс қилиб бўлармиди? Инсонни Ватандан жудо, Ватанни жондан жудо, жонни ҳаёт лаззатидан жудо қилишга уста мустабид тузум учун бу ўша даврда арзимас нарса эди. Жамил Ҳидоятовни яна оёқ-қўлига кишан, тили-дилига забунлик солдилар. 1937 йил 13 августда у иккинчи марта қамоққа олинади, эски айблар билан айбланиб, ўн йилга меҳнат тузатиш лагерларига сургун қилинади...

Мустабид тузум қўпорилиб тушди. Жамил Ҳидоятов Ватанига, оиласи бағрига, дўстлари даврасига омон-эсон қайтиб келди. Аммо, дилидаги яраси битмади. Бироқ, тушкунликка тушмади, клубларда, мактабларда, тўгаракларда шогирдларига мусиқадан сабоқ берди. Мумтоз куй-қўшиқларни қўрқмасдан ўргатди. Орадан йиллар ўтди. Унинг пок номи тикланди. Қўшиқни, «Ушшоқ»ни қамаб бўлмас деб, шуни айтадилар-да.

***Сирожиддин АҲМАД.***

# ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРИХ

*Темурийлар тарихи давлат музейида мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган "Улуғимсан, Ватаним!" мавзуида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.*

Тадбир Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар маънавият ва маърифат маркази, "Маҳалла" жамғармаси, Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази, "Уйжойжамғармабанк" билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тарихимизда ёрқин из қолдирган ана шундай буюк сиймолардан бири соҳибқирон Амир Темурдир. Мустақиллик йилларида ўзбек халқ давлатчилик тарихини холисона тадқиқ этиш ва халқимизга етказиш борасида кенг кўламдаги илмий-тадқиқотлар олиб борилаяпти. Бу жараёнда буюк соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Анжуман қатнашчилари истиқлолимизнинг 12 йиллигига бағишлаб Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган янги кўргазмалар билан танишди.

***(ЎзА).***



***СУРАТДА:*** *Юқоричирчиқ туманининг Жумабозор қўрғонида Хотира ва Қадрлаш майдони бунёд этилди. У ерда 504 нафар уруш қатнашчилари номлари зикр этилган. Туман аҳолиси бу даргоҳни доимо зиёрат қиладилар.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

# Ноёб археологик топилмалар кўргазмаси

*Ўзбекистон тарихи давлат музейида мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб "Қоратепа — Ўрта Осиёдаги буддавийлик маркази" мавзуида археологик топилмалар кўргазмаси очилди.*

Музейда Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий семинар ҳам бўлиб ўтди. Фанлар академияси томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз ва хорижий давлатлардан келган олимлар, давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

***Б. ХИДИРОВА,***
***ЎзА мухбири.***

# Акциядорлик-тижорат «PAXTA BANK»

*Ўзбекистон халқини истиқлолимизнинг*

***12 йиллик***

*байрами билан*

*самимий муборакбод этади!*

**Навқирон мамлакатимиз равнақи йўлидаги барча эзгу ишларингизда омад, бахт ва саодат, сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик ҳамиша сизга ёр бўлсин.**

**«PAXTA BANK» — фаровонлигингиз калитидир.**




«TOSHVILOYATAVTOTEXXIZMAT»
ochiq turdagi hissadorlik jamiyati
Доимо буюк Истиқлол туфайли эришган бахтимиз тўлиқ, истиқболимиз мунаввар ва улуғ бўлсин. Озод ва обод Ватанимиз шон-шуҳратини бутун оламга ёйётган забардаст халқимизни Аллоҳ ҳамиша ўз паноҳида асрасин. «Тошвилоятавтотеххизмат»дан байрам арафаси кунларида автомобиль харид қилган ҳамюртларимизни қимматбаҳо совғалар кутаянти.
UZ-DAEWOO
Тошкент шаҳри, Ш.Абдуллаев кўчаси, 4а-уй,
Тел: 998 (71) 54-62-42, 54-77-71, факс: 998(71) 54-57-42.


«ПАРКЕНТ ШАРОБ» АЖ
Мамлакатимизининг барча фуқароларинии, ишбилармон ҳамкорларни энг улуғ байрамимиз — Истиқлолнинг 12 йиллик тантаналари билан самимий муборакбод этади. Ҳар бир хонадонга оилавий хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонларига файзу барака тилайди.

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ



**Ватандошларимизни энг улуғ ва азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги билан самимий муборакбод этади!**

***Жонажон юртимизнинг ҳар бир хонадонидан тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат, қут-барака аримасин. Барчангизга соғлик-саломатлик тилаймиз. Байрамингиз муборак, юртдошлар!***

# «ЯНГИЙЎЛЁҒМОЙ»

## очиқ акциядорлик жамияти жамоаси



**барча ватандошларимизни республикамиз Мустақиллигининг 12 йиллиги**

***билан самимий табриклайди! Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз ва унинг янада гўзал, фаровон бўлиши, халқимиз тинч ҳамда тўкин-сочин яшаши учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этаверамиз.***

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!**

# ИНСОН АЗИЗ

*Аҳолининг кам таъминланган қатламларини мақсадли ижтимоий муҳофазалаш мустақиллик йилларида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Нодавлат, жамоат ташкилотлари, хусусан, касаба уюшмалари уни амалга оширишда фаол катнашмоқдалар.*



Асосий қонунимизнинг 59-моддасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиб, ҳимоялаш уларнинг бош вазифаси эканлиги таъкидланган. Мустақилликка эришилган дастлабки йилларда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. У касаба уюшмаларининг янгиланаётган жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини қонунлаштирди.

Вилоятимиз меҳнат жамоаларида 3330 дан зиёд бошланғич, ўн бир тармоқ касаба ташкилотлари бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракат дастурига амал қилмоқдалар. Агар вилоят касаба уюшмалари иқтисодиётда банд аҳолининг 80 фоизини ўз сафига бирлаштириб турганлигини ҳисобга олсак, бу ишнинг кўламларини аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Ижтимоий шерикчилик миллий истиқлол мафкурасининг муҳим йўналишига айланди. Бу йўналиш ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатларда юзага келаётган барча муаммоларни фақат музокара, ҳамкорлик ва ўзаро келишув йўли билан ҳал қилишни назарда тутади. Уни амалга ошириш механизми, шакл ва услублари муттасил такомиллаштириляпти.

Ижтимоий ривожланиш, аҳолининг турли табақаларига манзилли ёрдам кўрсатиш, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, унга ҳақ тўлаш, иш билан бандликни таъминлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар бериш, дам олдириш ва соғломлаштириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига оид жамоа келишувлари ва шартномаларини тузиш анъана бўлиб қолди. Улар меҳнат шарт-шароитлари мезонларини мувофиқлаштирувчи, иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштирувчи ҳужжат ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятимизда икки мингга яқин жамоа шартномалари тузилган бўлса, бугун беш мингдан ортиқ шундай муҳим ҳужжат амал қилмоқда. Жамоа шартномалари билан 500 мингдан ортиқ касаба уюшма аъзосининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимояланмоқда. Унинг асосини меҳнат таътилларига қўшимча кунлар белгилаш, даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар ажратиш, ишлаб кетган ходимлардан мунтазам хабар олиш, кам таъминланган ва ёлғиз аёлларга моддий ёрдам бериш, маъмурият билан амалий ҳамкорлик ташкил этади.

«Инсон ҳақида ғамхўрлик — касаба уюшмаларининг бош вазифасидир» — Президентимиз Ислом Каримовнинг бу сўзлари касаба фаоллари саъй-ҳаракатларининг мақсадига айланди. Бугунги Мустақиллик байрами кунларида шуни таъкидлаш мумкинки, фақат шу йилнинг ўзида меҳнаткашларни, уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш мақсадларига 1,3 миллиард сўм маблағ сарфланмоқда. Бу 4 мингга яқин меҳнаткаш учун санаторий ва дам олдириш уйларига, 9,5 мингга яқин меҳнаткаш учун санаторий-профилакторийларга йўлланма ажратиш имконини беради. Бу йил 20 мингга яқин бола шаҳардан ташқари ва мактаблар қошидаги оромгоҳларда дам олдирилди.

Бугун ҳаммамиз учун энг азиз, энг муборак байрам. Шу қутлуғ кунларда касаба уюшмалари аъзоларини, вилоятимизнинг барча аҳолисини айём билан қизғин қутлайман. Хонадонларимиз тинч ва обод, турмушимиз доимо маъмур бўлиб бораверсин.

***Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,***
***Ўзбекистон Касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгашининг раиси.***




# Ўзбекистонга муҳаббат рамзлари

*Кунчиқар мамлакатда Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида диёримизга бағишланган махсус иккита CD чиқарилди.*

Улардан бири япон талабалари учун ўзбек тили дарслигидир. Бугунги кунда Японияда ўзбек тили ва адабиётини изчил ўрганишга қизиқувчилар талайгина. Аммо япон олимларининг бу йўналишдаги ишлари ўтган асрнинг 60-70-йилларида бошланганлиги ҳақида далиллар ҳам бор. Ана шу дастлабки илмий "уриниш"лар натижасида бир нечта японча-ўзбекча луғатлар ва сўзлашгичлар нашр қилинган.

Кейинги даврларда япон тадқиқотчилари орасида ўзбекшунос олимларнинг кўпайиб бораётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Улардан бобуршунос Э.Мано, жадидшунос Ҳ.Коматсу, шунингдек, ўзбек тили мутахассислари Ҳ.Окава ҳамда У.Кавасакилар номларини келтириш мумкин.

Ушбу олимлар иштирокида буюк мутаффаккир Алишер Навоий ва жаҳонгашта Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда таниқли шоир Абдулла Орипов шеърларининг ўзбек тилидан япон тилига тўғридан-тўғри таржима қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Янги ўзбек тили дарслигига И.Коматсу муаллифлик қилган. "Ўзбек тилини осон ўрганувчилар учун" деб номланган мазкур CD ва ўқув қўлланмасини яратишда япон олими Ўзбекистон радиосининг кейинги йигирма йил давомида эфирга узатилган дастурларидан дарс машқлари учун кенг фойдаланган.

Муаллифнинг қайд этишича, ўзбек тили иштиёқмандлари ортаётгани сабаб муқаддам нашр этилган ўзбек тили дарслигини кенгайтирган ҳолда уни имкон қадар мукаммаллаштириб, CD шаклида қайта чиқаришга эришган.

Ўзбекистон мустақиллиги байрами арафасида яна бир CD – "Бу гўзал Ўзбекистон" номли қўшиқлар гулдастаси яратилди. Унда тўпланган қўшиқлар мусиқасини Н. Отаки ёзган ва у барча қўшиқларнинг ижрочиси ҳамдир. Сўзлар муаллифи Гунма префектурасидаги "Евроосиё: Япония-Ўзбекистон" дўстлик ассоциациясининг бош котиби Я.Готодир. Мамлакатдаги энг йирик студиялардан бири "MicroSound" компанияси рақамли аудио дискларга ижрочилар овозини туширган.

Япон тилидаги ушбу майин қўшиқларни тинглар экансиз, олис япон диёрида Ўзбекистонга бўлган чексиз муҳаббат ва киши қалбини элитувчи самимийлик эпкинини туйгандек бўласиз.

Замонавий мультимедиа тизимида тайёрланган ушбу янги асарлар икки халқ ўртасида мавжуд кўҳна ва қалин муносабатларни мазмунан бойитишга хизмат қилади.

***Б. АЛИМОВ,***
***«Жаҳон» АА, Япония.***

## Янги анъаналар

# «БЎЛАЖАК ОИЛА МАЛИКАСИ»

*Асрлар мобайнида шаклланиб, қон-қонимизга сингиб кетган, ота-мерос удумларимизни миллий қадриятлар сифатида эъзозлаш билан бирга, давримизга хос янги анъаналарни ҳам ўзлаштириб бораяпмиз.*

Хусусан, ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларни жамиятимизнинг чинакам етук ворислари бўлиб етишишларида жойларда ўтказилиши одат тусига кираётган турли танловларнинг аҳамияти катта бўлаётир.

Оҳангарон туманининг Қорахтой репродуктив амбулатория марказида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб уюштирилган «Бўлажак оила маликаси» ўсмир қизлар кўрик-танлови ҳам ана шундай тадбирлар сирасидан жой олса ажаб эмас. Нафақат туман ёки вилоят, балки республика миқёсида илк бор ўтказилган ушбу беллашув иштирокчилари бўлмиш қизлар беш босқич мобайнида ўзаро баҳслашдилар.

Ҳар бир қатнашчи томошабинларга ўзини таништириш, маънавий мерос ва тиббий маданият борасидаги билимларини намоён этиш, замонавий оилада спортнинг ўрни ҳақидаги тасаввури билан ўртоқлашиш, эркин мавзуда бадиий маҳоратини кўрсата билиш ҳамда пазандалик, меҳмоннавозлик ва бўлажак бека сифатидаги бошқа фазилатларини очиб бера олиш билан боғлиқ шартлар бўйича синовдан ўтди. Берилган топшириқларни нисбатан мукаммал адо этган Латофат Элчиева ҳамда Шаҳло Тўйчиева кўрик-танловнинг мутлақ ғолибалари деб эълон қилиндилар. Иккинчи ўрин Гулноза Сарбоевага насиб этди. Маҳфуза Бойнозова ва Маъмура Ўрмонова учинчи ўрин совриндорлари бўлишди.

Ўсмир қизлар ўртасидаги мазкур баҳс ташкилотчилари ушбу кўрик-танловнинг тезда оммавийлашиб кетишига умид боғламоқдалар.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

***Кенжабек ҚУЛИЕВ.***

***СУРАТЛАРДА:*** *кўрик-танловдан лавҳалар.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***





# ЎЗБЕК ДЕГАН ЭЛЧИМИЗ



## ТИНЧЛИК ЭЛНИНГ ТИЛАГИ

*Осмон узоқ, ер қаттиқ,*
*Бармоқларинг ботмайди.*
*Иймони бут гадо ҳам,*
*Ватанини сотмайди.*

*Боқий бахт йўқ дунёда,*
*Боқий замин пойингда.*
*Ватаннинг хуш сурати,*
*Ғоз-ғоз юрган жойингда.*

*Оламга тинчлик тилаб,*
*Йўлга чиққан йўлчимиз.*
*Бағрида баҳори бор,*
*Ўзбек деган элчимиз.*

*Тулпорлар тоғлар оша,*
*Талпинади тойлар ҳам.*
*Дарёлар дийдорига,*
*Интилади сойлар ҳам.*

*Гул илдизи гулобмас,*
*Юлиб ерни йиғлатма.*
*Бошингда булут кўрсанг,*
*Эр йигитни ухлатма.*

*Тинчлик элнинг тилаги,*
*Жўр бўлгин навосига.*
*Юзларингни силатгин,*
*Ватаннинг сабосига.*

## ЎТИНЧ

*Мени осмонларга олиб чиқмангиз,*
*Қуруқ ноғорани чалиб чиқмангиз.*
*Менинг кўнглим ерда, товоним ерда,*
*Осмондан уялиб қолмайин яна.*

*Менга амал эмас, жиндек дард беринг,*
*Шеърнинг шаробидан чимдим гард беринг,*
*Ерда майса билан яшагим келар,*
*Райҳондан уялиб қолмайин яна.*

*Ерда онам яшар, болам яшайди,*
*Отам қабрин қучган нолам яшайди.*
*Онадан қарзини узган бормикин,*
*Виждондан уялиб қолмайин яна.*

*Қонимда ошиқлар исён қилади,*
*Жонимда қўшиқлар гирён қилади.*
*Шайтон ишвасида жаннат кўрсатманг,*
*Раҳмондан уялиб қолмайин яна.*

*Онам дедим, Момо Ерга юкундим,*
*Кўз ёш бўлдим, яна унга тўкилдим.*
*Ҳовучим тўлдириб буғдой берди у,*
*Сомондан уялиб қолмайин яна.*

*Мен ердан кузатган жоним, офтобим,*
*Мен ердан термулган ойим, моҳтобим.*
*Осмонингиз ўзингизга буюрсин,*
*Иймондан уялиб қолмайин яна.*

*Мени осмонларга олиб чиқмангиз,*
*Чиқсангиз сиз ердан нолиб чиқмангиз.*
*Худонинг олдида, ернинг олдида,*
*Инсондан уялиб қолмайлик яна.*

## ҚАЙТАЙИН

*Тишлатмангиз тилимни,*
*Билганимни айтайин.*
*Кўнглингизни кўзини,*
*Кўргим келса қайтайин.*

*Деманг буни нолишда,*
*Офтоб мендан олисда.*
*Бахт балқиган болишда,*
*Бўлгим келса қайтайин.*

*Ғунчанинг ҳайронлиғин,*
*Булбул дил вайронлиғин,*
*Манов сут айронлиғин,*
*Сизга қандай айтайин.*

*Кўҳна тоғлар чўкмасми,*
*Арча хазон тўкмасми,*
*Қувонч ғамдан қўрқмасми,*
*Билгим келса қайтайин.*

*Чақмоқдаги чиройни,*
*Ҳеч доғи йўқ бир ойни,*
*Кўзлари тўқ гадойни,*
*Кўргим келса қайтайин.*

*Қўл тафтини қўл билар,*
*Қор қақшаса дўл бўлар,*
*Шоир бунча гўл бўлар,*
*Кулгим келса қайтайин,*
*Билгим келса қайтайин.*

## КЎП ЭКАН

*Қувонч қанот ёзса, осмон чорлайди,*
*Қайғу бўй кўрсатса, замин зорлайди,*
*Хиёнат ўзидан қачон орлайди,*
*Билганимдан билмаганим кўп экан.*

*Шунчалар узоқми уйқусиз тунлар,*
*Ўзига етказмай чопади кунлар,*
*Менга бўй кўрсатинг бағри бутунлар,*
*Кўрганимдан кўрмаганим кўп экан.*

*Ер ости узоқми, ё осмон йўли,*
*Қай бирига етар бандасин қўли,*
*Сен қайдан ёғасан туҳматнинг дўли,*
*Билганимдан билмаганим кўп экан.*

*Чаённи чиройли демади ҳеч ким,*
*Сарқитни хуш кўриб емади ҳеч ким,*
*Гул кўрса кўзини юммади ҳеч ким,*
*Кўрганимдан кўрмаганим кўп экан.*

*Шеър ичра тонишмоқ қидирганим йўқ,*
*Кўнглимнинг тубини сидирганим йўқ,*
*Балки билганимни билдирганим йўқ,*
*Билганимдан билмаганим кўп экан.*

## КЎРГАН БОРМИ?

*Ким учириб юборса*
*Қўлидаги қушини.*
*Овчилардан орланмай,*
*Сувга айтсин тушини.*
*Йиғлаб келиб дунёга*
*Бўзлаб кетган зотлар кўп.*
*Чидаганга чиқарган,*
*Бу дунёнинг ишини.*

*Ўтиннинг умри қисқа,*
*Мўл юрса қаловгача.*
*Кўпчиб турган хамир ҳам,*
*Боргайдир оловгача.*
*Омбир билан олдирар,*
*Одам оғриқ тишини,*
*Чидаганга чиқарган,*
*Бу дунёнинг ишини.*

*Кўрган борми, айтинглар,*
*Ўз кўнглининг кулини.*
*Ким бошга ёстиқ қилар,*
*Виждон сотиб пулини.*
*Айб ундамас, ёронлар,*
*Шайтон олган хушини,*
*Чидаганга чиқарган,*
*Бу дунёнинг ишини.*

*Онам дейди: — Сенга ҳеч*
*Насиҳат кор қилмайди.*
*Онасин ерга қўйиб,*
*Бўзламаган билмайди.*
*Кеч очилган кўзингни,*
*Ким артади ёшини.*
*Чидаганга чиқарган,*
*Бу дунёнинг ишини.*

*Атиргулнинг тикони,*
*Бекор тилмас қўлингни.*
*Гулзорга кирмоқ бўлсанг,*
*Поклаб олгин дилингни.*
*Парвоз олди оққушлар,*
*Сувга урар тўшини.*
*Чидаганга чиқарган,*
*Бу дунёнинг ишини.*

*Қайси дорбоз лангарсиз,*
*Дор устида ўйнайди.*
*Қорин тўяр бир зумда,*
*Кўзлар нечун тўймайди.*
*Кимга сотар қассоблар,*
*Ҳеч суяксиз гўштини.*
*Чидаганга чиқарган,*
*Бу дунёнинг ишини.*

*Худойимга қай кимса,*
*Кўз ёш қилса ёлғондан.*
*Омаднинг оқ тулпори,*
*Тушиб келмас осмондан.*
*Қурт еркан азалдан,*
*Дарахтнинг ҳам бўшини,*
*Чидаганга чиқарган,*
*Бу дунёнинг ишини.*

**Маҳмуд ТОИР.**

# УСТАНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ

*Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллиги байрами арафасида Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида кулол Алишер Нарзуллаевнинг шахсий кўргазмаси очилди.*

А.Нарзуллаев Ўзбекистонга танилган кулоллар сулоласининг олтинчи авлоди вакилидир.

А.Нарзуллаев – машҳур Уста Ибодуллонинг муносиб фарзанди бўлиб, отасининг ишини ишонч билан давом эттирмоқда. Устанинг ишлари мамлакатимизнинг "Дўстлик" ордени, ЮНЕСКО дипломлари билан тақдирланган. Шунингдек, унга "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" унвони ҳам берилган. 1999 йилда у "Ташаббус" республика танловининг "Энг яхши уста" йўналишида ғолиб деб топилиб, давлатимиз раҳбарининг мукофоти – "Тико" автомобили билан мукофотланган.

Уста томонидан 60 дан ортиқ анъанавий шакллар ва 300 га яқин безаклар яратилган. Ҳақиқий санъат асарларини яратар экан, у ижодий хаёлотига эрк беради. Бу эса муаллифга янгидан-янги асарлар яратиш учун имкон очади.

Ҳозирги вақтда кулолчилик санъатига қизиқиш ҳар қачонгидан юқори. А.Нарзуллаевнинг элликдан ошиқ халқаро ва республика амалий санъат кўргазмаларида иштирок этиши шундан далолат беради. Уста асарлари Ўзбекистон музейларида ва АҚШ, Япония, Австралия, Канада, Англия ва бошқа мамлакатлар шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

*ЎзА.*

## Об-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 30 август куни Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тоғли ҳудудларда ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

# "МУЧАЛИНГ МУБОРАК МУСТАҚИЛ ТЕНГДОШИМ"

*Истиқлолимизнинг ўн икки йиллик байрами арафасида Чирчиқда "Мучалинг муборак мустақил тенгдошим" мавзуида тадбир ўтказилди.*

– Истиқлол туфайли ватанимиз жаҳонга юз тутди, – деди Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Муяссар Иброҳимова. – Унинг равнақини янада оширишда эса Истиқлол фарзандларидан умидимиз катта – Истиқлол бизга қадриятларимизни, анъаналаримизни, урф-одатларимизни қайтарди. Оилага, келажагимиз бўлмиш фарзандларга бўлган эътибор янада ортди. Ҳозирги кунда фарзандларимиз нуфузли хориж билим даргоҳларида таҳсил олишмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўзлигимизни англаганимиздандир. Ахир, улар Соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Улуғбек авлодларининг фарзандлари ҳисобланади. Бугун улар Ватанимиз сингари ўзларининг мучал тўйларини нишонлашмоқда.

*"Туркистон-пресс".*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ — ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Ғазета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-746. Адади 4044. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.30. 1 2 3 4 5 6